

ISSN 1226-4490

*International
Journal of
Central
Asian Studies*

Volume 14 2010

**Editor in Chief
Choi Han-Woo**

**The International Association of Central Asian Studies
Korea University of International Studies**

Хоразм воҳасидаги аёллар: 1897 ва 1910 йиллардаги аҳоли рўйхати асосидаги миқдорий таҳлил

Nemat Polvanov

National University of Uzbekistan, Tashkent

Absract:

The Russian empire took the census of the population in 1897. During that period the areas on the right bank of the Amu Darya river were included in the territory of the Russian empire. The Khivan khanate (1804–1920), which since 1873 was a protectorate of the Russian empire, was located on the left-bank of that river. The 1897 census of population tallied the quantity of female population in the Amu Darya department according to the age. However, the documents from the administrative office of the Khivan khanate from the end of the 19th century lack any data on the female population in the khanate. In 1910 the Russian empire took the population census in the Khivan khanate. The census figures only contain partial data on female persons in society composition (there women are called as "*nachar*" - literally "a person being in desperate position"). Their numbers are specified in the structure of a family as a 'female part'. It was a wife (or several wives, and daughters). For a secluded traditional Muslim society, such as the Khivan khanate was, it was not an unimportant factor. Although at that the infringement of women's right is manifested. In the statistical data from 1910, there are available the registered names of men in a family – the head of household, his sons, and his brothers. In contrast, the documents have only numerical strength of family female members, without registration and indication of their names.

Key words: Russian empire, census, Khivan khanate, female persons, *nachar*

Мазкур маколамизда биз XIX аср охири ва XX аср бошларида Хива хонлигидаги (1501–1920) аҳолини рўйхатга олиш натижалари ва аҳолининг аёл қисми миқдори масаласига тўхталамиз. Бу даврда Хива хонлигига қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлик қиларди (1804–1920). XVI – XIX асрлар давомида Хива хонлиги ҳудудлари доимо ўзгариб турган. Дастлаб хонлик ҳудуди Хоразм воҳасидагина жойлашган бўлса, кейинчалик унинг чегараси жанубда Эрон ва Марвгача, шимолда Урал дарёсигача бўлган ерларга чўзилган, шарқда Бухоро амирлиги, ғарбда эса Каспий денгизи қирғоқларигача етган. Руслар босқинидан кейин (1873 йил) Хива хонлиги Амударёнинг чап қирғоғида 62237,2 км кв ер майдониغا эга кичик вассал давлатга айланиб қолган бўлиб, унинг территорияси Гринвичдан 40° ва 43³/₄° шимолий кенглик ҳамда 57° ва 62° шарқий узунлик оралиғида – Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган эди. Ҳозирги Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти, Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот ва Хўжайли ҳудудлари, Туркменистоннинг Чоржўй ва Тошовуз вилоятлари ҳудудларини ўз ичига олган.

Аҳолисининг сони ҳам доимо ўзгариб турган бўлиб, тадқиқотларда у турлича миқдорда келтирилган¹. XIX аср охирларига келиб, хонликда ўртача 1000000 киши атрофида аҳоли

¹ Непесов Г. Победа советского строя в северном Туркменистане (1917–1936гг). Ашхабад, 1950. С.15. (муаллиф Хива хонлиги аҳолисини 519 000 дан 600 000 гача деб ёзган); Ўзбекистон ССР тарихи. 1 том, 2-китоб. Тошкент: Фан. 1957, Б.57, 152–153 (Хива хонлиги аҳолиси 500 000 кишига яқин деб кўрсатилган – П.Н.); Победа советской власти в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1967. С.635 (Хива хонлиги аҳолиси 600 000 – 900000 киши деб ёзилган – П.Н.); Погарельский И.В. Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства конца XIX и начало XX вв.(1873–1917 гг.). Ленинград: Изд.Ленинградского университета, 1968 (муаллиф Хива хонлиги аҳолисини 519437 киши деб кўрсатган – П.Н.); Тухтаметов Т.Г. Россия и Хива в конце XIX начала XX века. Москва: Наука, 1969. С.7(тадқиқотчи Хива хонлиги аҳолисини тахминан 500 000 – 700 000 киши деб кўрсатган – П.Н.); История Бухарской и Хорезмской народных советских республик. Москва: Наука, 1971.С.14 (Хива хонлиги аҳолиси 600 000 – 900 000 киши деб кўрсатилган – П.Н.); Каландаров Н. Образование и деятельность Хорезмской коммунистической партии. Ташкент: Узбекистан, 1975. С.10. (муаллиф аҳоли сонини тахминан 850 000 киши деб берган –П.Н.) ва бошқалар.

яшаган. Унинг кўпчилигини ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар, кам сонли форслар, араблар, руслар ва бошқалар ташкил қилган.

Ҳатто архив ҳужжатларида ҳам Хоразм аҳолисининг сони ҳақида турли хил маълумотлар учрайди². 1910 йилда Хива хонлигидаги аҳолини рўйхатга олиш натижасида жамланган материалларга кўра, хонликда 1 200 000 атрофида аҳоли истиқомат қилган³.

1873 йили Хива хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинган, Хивада Россия давлатининг ўрни ва таъсири кучайди. Бу вақтда Хива хонлигига Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) ҳукмронлик қилган.

XX аср бошларида Муҳаммад Раҳимхон II ва унинг ўғли Исфандиёрхон (1910–1918) тарафдорлари ўртасида зимдан кураш авж олиб борди. Бу ҳолатдан ҳатто Амударё бўлими бошлиғи ва подшо ҳукумати ташвишга тушган. Шунинг учун ҳам Хива хонлигини тутатиш ва уни Россия таркибига тўла қўшиб олиш борасида баҳс-мунозаралар авж ола бошлаган. Бу масала аввал (1876–1877) ҳам кўтарилган эди. 1908–1909 йилларга келиб хон саройида юзага келган муҳит натижасида яна муҳокама қилиниб, чор Россияси ташқи ишлар вазирлигида 1910 йилда Хива хонлигини Россия империяси таркибига қўшишга тайёрлаш учун аввал хонликда қатор ислохотлар ўтказишга келишиб олинди⁴. Бу Хива хонлиги иқтисодиётини Россияга тўла қарам қилиш ва унда ўтказиладиган ислохотлар харажатидан қутилиш кўзда тутилганлигини кўрсатади⁵.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (бундан кейин–ЎзР МДА). 69-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 4-варақ (Хива хонлиги майдони 54 000 кв. верст деб кўрсатилган – П.Н.); ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 528-иш, 26-варақ. (Хива хонлиги майдони 1 1670 000 таноб деб берилган, 1 таноб - 0,40 гектар – П.Н.); ЎзР МДА. 69-фонд, 1-рўйхат, 73-иш, 5-варақ (Хива хонлиги аҳолиси 82 600 киши деб кўрсатилган – П.Н.); ЎзР МДА. Р-1-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 97-варақ (Хива хонлиги аҳолиси 640 064 киши деб берилган – П.Н.).

³ ЎзР МДА. И-125 -фонд, 1-рўйхат, 526, 528, 528а, 529-537-ишлар

⁴ ЎзР МДА. 2-фонд, 1-рўйхат, 291-иш, 45-варақ.

⁵ Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900–1924 йиллар). Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2005, 30-бет.

Шу муносабат билан мазкур хонликдаги статистик маълумотларни тўплашга бўлган интилиш янада кучайди. Бундан олдин 1891 йили подполковник Стеткевич⁶ бошчилигида, 1902 йили эса капитан В.Гиршфельд раҳбарлигида Хива хонлигида аҳоли рўйхати ўтказилган⁷. Бироқ мазкур статистик маълумотлар тўғрисида Туркистон генерал-губераторлиги Сирдарё вилоятининг Амударё бўлими бошлиғи генерал-майор Глушановскийнинг Туркистон генерал-губератори генерал-лейтенант А.В.Самсонов номидан Хива хонига 1910 йил 15 апрелда ёзган хатида эслатилса-да, лекин Ўзбекистон республикаси марказий давлат архивидан улар тўплаган маълумотларни топа олмадик. Кўрсатилган хатда Хива хонидан полковник В.Лобачевский ва унинг ҳамроҳларига ҳар томонлама ёрдам берилиши алоҳида сўралган. Хатда яна 1891 йилда подполковник Стеткевич ва 1902 йилда В.Гиршфельд бошлаган ишни В.Лобачевский давом этказиши, отлик учта казак билан 1910 йил 19 апрелдан топширикни бажаришга киришиши қайд қилинган. Бунда барча мансабдорлар, вилоят ҳокимлари ва кишлок-овул оқсоқоллари уларга ёрдам бериши кераклиги таъкидланган⁸.

Мазкур рўйхат ҳозирги кунда ЎЗР МДА И-125-фондида “Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари” номи остида, 526-537-ишларда сақланади⁹. Бу маълумотлар нисбатан ишончли ҳисобланади. Сабаби ЎЗРМДА маълумотларида Амударё бўлими бошлиғининг Хива хонига ёзган бир нечта хатида статистик маълумотларнинг қанчалик ҳаққоний эканлигини тасдиқлаш қайта-қайта сўралган. Масалан, унинг 1910 йил 2 июндаги 3912-рақамли хати, 1910 йил 8 июндаги 4943-рақамли ва 1910 йил 10 ноябрдаги 8449-хатларини кўрсатишимиз мумкин¹⁰. В.Лобачевский бошичилигида Хива хонлигида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ

⁶ Стеткевичнинг исми шарифи ва шахсияти ҳақида маълумотлар топилмади.

⁷ Гиршфельд В., Галкин М.Н. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. Часть II. Ташкент, 1903.

⁸ ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 527-иш, 1-3-варақлар.

⁹ ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 526-537-ишлар.

¹⁰ ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 527-иш, 3-6,71-варақлар.

маълумотларни территория ва ҳужжат характериға кўра бир неча гуруҳларға ажратишимиз мумкин:

1. Хива шаҳри ва унинг атрофидаги аҳоли пунктларидаги аҳоли рўйхати бўйича статистик маълумотлар. Жами 6 та иш, 1517 varaқ¹¹.

2. Урганч шаҳри ва унинг атрофи аҳоли пунктларидаги аҳоли рўйхати бўйича статистик маълумотлар. Жами 3 та иш, 718 varaқ¹².

3. Хива хонлигидаги Питнак шаҳри ва унинг атрофи аҳоли пунктларидаги аҳоли рўйхати бўйича статистик маълумотлар. Битта иш, 221 varaқ¹³.

4. Умумий ва якуний ҳисоб-китоб материаллари. Иккита иш, жами 201 varaқ¹⁴.

5. Қозоқ аҳолиси рўйхати. Битта иш, 196 бет¹⁵.

Ҳозирғача бизға маълум бўлган шарқ тарихиға оид ёзма манбаларда аёллар жуда камдан-кам ҳолатлардағина қайд қилинган. Булар сирасиға қўлёзма асарлар, шажаралар, турли ҳужжатлар ва эпиграфик матнларни киритиш мумкин. Жумладан, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида Бухоро ҳукмдори Бухорхудод аёл киши бўлганлиги саббали ўғли Тоқшоданинг онаси ёки Бухорода пошшо бўлган хотин номлари билан келтирилган¹⁶. Оғахийнинг “Гулшани давлат”, “Шоҳидул иқбол” асарлари матнларида ҳам аёллар номлари келтирилмаган. Уруғ бир ердан бошқа жойға кўчганда ёки урушлар даврида “аёлу атфоли”, деган ном билан аҳолининг аёллар қисми қайд қилинган¹⁷. Хива хонлиги девонхонасидаги статистик маълумотлар қайд қилинган турли ҳил ҳужжатларда ҳам аёллар номи камдан-кам ҳолатларда учрайди¹⁸.

¹¹ ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 529-534-ишлар.

¹² ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 535-537-ишлар.

¹³ ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 528а-иш.

¹⁴ ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 527-528-ишлар.

¹⁵ ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 526-иш.

¹⁶ Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент: Шарқ баёзи, 1993, 17-20-бетлар.

¹⁷ Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Оғахий. Шоҳиду-л-иқбол. Тошкент: Муҳаррир, 2009; Оғахий. Гулшани давлат. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси. 1-фонд, №7572.

¹⁸ ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-2-рўйхатлар; Иванов П.И. Архив хивинских ханов XIX в. Исследование и описание документов с историческим введением. Ленинград, 1940; Йўлдошев М.Й. XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. Тошкент: Фан, 1960;

Бундай ҳолат Шарқда, айниқса, ислом даврида аёлларга нисбатан паст назар билан, бировнинг ҳасми ёки мулк сифатида қаралганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинганидан кейинги давр ҳужжатларида аҳолининг аёллар қисми ҳам ғисобга олиниб, баъзи статистик ҳисоботларда уларнинг номлари ҳам нисбатан қайд қилина бошлади. 1892 йилдаги вабо қўзғолони, 1897 йилги аҳоли рўйхати ва 1916 йилдаги қўзғолон материалларини кўрсатишимиз мумкин.

1897 йилда Россия империясининг биринчи умумий аҳоли рўйхатида Хоразм худудининг Амударё ўнг қирғоғидаги ерларида яшовчи аёллар сони дастлабки маротаба қайд қилинган. Бунда эркаклар сони аёллар миқдоридан кўра кўпчиликни ташкил қилишини кузатишимиз мумкин. Лекин 15 ёшгача бўлган ёшлар орасида аёллар миқдори кўпчиликни ташкил қилади:

1-жадвал¹⁹

Номланиши	Ёши	Жинси		
		Умумий	Эркаклар	Аёллар
Амударё бўлими	0	1479	679	800
	1-9	31297	14099	17198
	10-19	35123	17250	17873
	20-29	38794	20925	17869
	30-39	31333	16715	14618
	40-49	22005	11974	10031
	50-59	16959	9873	7086
	60-69	10398	5990	4408
	70-79	4869	2644	2225
	80-89	1856	891	965

Каталог Хивинских казийских документов XIX – начала XX вв. Ташкент–Киото, 2001.

¹⁹ Первая Всеобщая перепись населения Российской империи 1897 года. (Губернские итоги). Т.Т.51-89. СПб. 1903-1905.

	90-99	198	71	127
	100-109	5	2	3
	Номаялум ёшда	157	72	85
	ЖАМИ	194473	101185	93288

1910 йилдаги аҳоли рўйхатининг Хива ва Урганч атрофларидаги аҳоли пунктлари бўйича статистик маълумотлар қисмида оиладаги аёллар сони келтирилган. Лекин Питнак атрофи ва қозоқ аҳолиси келтирилган рўйхатларда аёллар сони ҳақида маълумот йўқ.

Хива ва Урганж атрофидаги аҳоли рўйхатлари қайд қилинган ҳужжатларда ²⁰ оилалар таркиби қуйидаги ўлчовлар асосида ўрганилган:

- номери; исми (оила бошлиғи бўлган эркак исми назарда тутилаяпти); ўғли; биродари (акаси ёки укаси); биродарининг ўғли; амаки биродари; амаки биродарининг ўғли; ахтуки; ночорлар; касби; оти; теваси; (яъни туяси); ўкузи (хўкизи); қора моли; эшаги; мулкдор; вақфи; навкар; беватан; дехқон; қалъа; масжид. “Ночор” деб рўйхатда аёлларнинг оиладаги миқдори келтирилган.

2-жадвал²¹

Урганчдаги Эшон чакка масжидига қарашли
оилалардаги аёллар сонига мисол

Н	И	Ў	Б	Б	А	А	А	Н	К	О	Т	Х	Қ	Э	М	В	Н	Б	Д	Қ	М
о	с	ғ	и	ў	м	б	х	о	а	и	у	ў	о	ш	у	а	в	е	е	а	а
м	м	л	р	ғ	а	б	т	ч	с	и	я	к	р	а	л	қ	к	в	х	л	с
е	и	и	о	ли	ни	б	у	о	б		с	и	а	г	к	ф	а	а	қ	ж	и
р			д		б	ғ	қ	р	и		и	з	м	и	д		р	т	о	а	д
			р	и	.	ли	ни	и				и	о		р		н	а	н		

²⁰ ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 529-533-ишлар.

²¹ ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 535-иш, 209-210-варақлар.

15	Ҳол- ниёз Ибн Яъқуб	Қурбон -бой ва Одам- бой	Олим- бой ибн Одам- бой ва Собир ибн Қурбон - бой ва Бобо- жон ва Яъқуб ва Сафо ва Вафо					9		2	1	1	4	1						
16	Жаб- бор- берган ибн Раҳим -бой	Раҳмон - берган						2		1		1		1	м у л к					
.. .																				
19	Мулла Худой - берган ибн Аваз- Ниез	Мухам- мад Шариф						5		2	2	2	4	1						

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, эркакларга қарашли бошқа мулклар қаторида аёлларнинг фақат сони келтирилган, холос. Бу анъанавий ислом жамиятида аёлларга нисбатан бўлган муносабатдан келиб чиқади. Ҳатто, XX асрда ҳам баъзи салбий ҳолатларда, яъни қиморбозларнинг ўз турмуш ўртоқларини қиморга тикишлари айни муносабатнинг бир кўринишидир.

Мазкур рўйхатда оилалардаги одамлар сони маҳаллалардаги масжидлар бўйича амалга оширилган. Қуйида Урганчга тегишли учта²² дафтардан биттасидаги масжидлар номи ва унга қарашли маҳалла оилаларидаги аёллари сонини жадвал шаклида кўрсатиб ўтамиз.

²² ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 535-537-ишлар.

3-жадвал
Урганчдаги масжидларга қарашли
оилалардаги аёллар²³

№	Масжид номи	Аёллар сони
1.	Тобеи Урганж, масжиди Мулла Карим	54
2.	Тобеи Урганж, масжиди Ортук сурнайчи	71
3.	Тобеи Урганж, масжиди Эшон Чикка	65
4.	Масжиди Бекниёз мироб	37
5.	Масжиди Ортук мироб	136
6.	Масжиди Боки шайх	90
7.	Масжиди Эшниёз Нўғай	41
8.	Масжиди Найман	86
9.	Масжиди Тангриберди Бешариқли	48
10.	Масжиди Нурмуҳаммад Қошиқчи	42
11.	Масжиди Рўзимбой	39
12.	Масжиди Рўзмуҳаммад мироб	22
13.	Масжиди Луки бобо	63
14.	Масжиди Хожабой сулгун	28
15.	Масжиди Хурбуз... уйғур	46
16.	Масжиди Абдурахмон бешариқ	34
17.	Масжиди Муҳаммадниёз Нукуз мироб	54
18.	Масжиди Бекниёз мироб	67
19.	Масжиди Собирбекдаги мулкдорлар	13
20.	Масжиди Собирбек	62
21.	Масжиди Ҳожи шайх	83
22.	Масжиди Ғойиб мироб	90
23.	Масжиди Мир туман	76
24.	Муҳаммадамин мироб	40
25.	Оллоёр сўфи	91
	Жами	1478

²³ ЎЗР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 535-иш, 1-229-варақлар.

Хулоса қилиб айтганда, анъанавий мусулмон Шарки, Ўрта Осиё, жумладан, Хоразм тарихига оид манбаларида аёлларга доир маълумотлар кам учрайди. Россия босқинидан кейинги аҳоли рўйхатларида эса уларнинг миқдори келтирила бошланган. Ҳозирда биздаги мавжуд маълумотлар асосида шуни қайд қилиш керакки, XIX аср охири – XX аср бошларидаги Хоразм воҳаси ҳудудидаги аёллар умумий миқдорини аниқ келтириб бўлмаса ҳам, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, аҳолининг умумий миқдорида аёллар сони эркакларга нисбатан бироз кам бўлган. Тахминан, умумий аҳоли сонининг 45-46 фоизини аёллар, қолганини эркаклар ташкил қилган.

Архив ҳужжатлари:

ЎзР МДА. 69-фонд, 1-рўйхат, 7-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 535-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-2-рўйхатлар.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 526-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 527-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 528-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 528а-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 529-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 530-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 531-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 532-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 533-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 534-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 535-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 536-иш.

ЎзР МДА. И-125-фонд, 1-рўйхат, 537-иш.

ЎзР МДА. 2-фонд, 1-рўйхат, 291-иш.

ЎзР МДА. 69-фонд, 1-рўйхат, 73-иш.

ЎзР МДА. Р-1-фонд, 1-рўйхат, 8-иш.

Фойдаланилган адабиётлар:

Гиршфельд В., Галкин М.Н. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. Часть II. Ташкент, 1903.

- Иванов П.И. Архив хивинских ханов XIX в. Исследование и описание документов с историческим введением. Ленинград, 1940.
- История Бухарской и Хорезмской народных советских республик. Москва: Наука, 1971.
- Йўлдошев М.Й. XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. Тошкент: Фан, 1960.
- Каландаров Н. Образование и деятельность Хорезмской коммунистической партии. Ташкент: Узбекистан, 1975.
- Каталог Хивинских казийских документов XIX – начала XX вв. Ташкент–Киото, 2001.
- Муҳаммад Ризо Эрнийзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол. Тошкент: Мухаррир, 2009.
- Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент: Шарқ баёзи, 1993.
- Непесов Г. Победа советского строя в северном Туркменистане (1917–1936гг). Ашхабад, 1950.
- Огаҳий. Гулшани давлат. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёмаси. 1-фонд, №7572.
- Первая Всеобщая перепись населения Российской империи 1897 года. (Губернские итоги). Т.Т.51-89. СПб. 1903-1905.
- Победа советской власти в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1967.
- Погарельский И.В. Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства конца XIX и начало XX вв.(1873–1917 гг.). Ленинград: Изд.Ленинградского университета, 1968.
- Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900–1924 йиллар). Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2005.
- Тухтаметов Т.Г. Россия и Хива в конце XIX начала XX века. Москва: Наука, 1969. С.7.
- Ўзбекистон ССР тарихи. 1 том, 2-китоб. Тошкент: Фан. 1957.